

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Тib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУБОВ ЮСУФДЖОН КЕНЖАЕВИЧ

**БИЛИОПАНКРЕАТОДУОДЕНАЛ СОҶА ХАВФЛИ ЎСМАЛАРИНИ
ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Якубов Юсуфджон Кенжаевич

Билиопанкреатодуоденал соҳа хавфли

ўсмаларини жарроҳлик усулида даволаш..... 3

Якубов Юсуфджон Кенжаевич

Хирургическое лечение злокачественных опухолей

билиопанкреатодуоденальной зоны..... 31

Yakubov Yusufdjon Kenjaevich

Surgical treatment of malignant tumors

of the biliopancreatoduodenal zone 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 63

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Тib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУБОВ ЮСУФДЖОН КЕНЖАЕВИЧ

**БИЛИОПАНКРЕАТОДУОДЕНАЛ СОҶА ХАВФЛИ ЎСМАЛАРИНИ
ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib564 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиджанов Фотих Боқиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хакимов Мурод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси 2024 й. «___» _____ да соат ___да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «___» _____ 2024 йилда.

(2024 йил “___” _____ даги _____ -сонли юбориш протоколи реестри).

М.А. Гофур-Охунов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш раис
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Билиопанкреатик соҳа хавфли ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси жарроҳлик ва онкология соҳасида ҳануз долзарб бўлиб қолмоқда. Билиопанкреатодуоденал соҳа саратони (БПДС) онкологик касалликлар таркибида муҳим ўрин тутаяди. Улар барча ҳолатларнинг 3,0% дан ортиғини ташкил қилади. Global Cancer Statistics маълумотига кўра, биргина меъда ости безининг ўзи 11 ўринни эгаллайди ва «... 2022 йилда 510 992 янги касалланиш ҳолати аниқланди...»¹. Сўнги 5 йил ичида 37 миллион аҳоли орасида Ўзбекистонда ҳар йили 600-700 та БПДС ўсмалари қайд этилган бўлиб, бу барча онкологик касалликларнинг 3,5-4,0 фоизини ташкил этади. Билиар декомпрессиянинг рентген жарроҳлик усулларида кенг фойдаланиш, функционал жиҳатдан фойдали анастомозларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, билиодигестив ва панкреатикодигестив анастомозларни шакллантириш учун прецизион жарроҳлик усулларида фойдаланиш, шунингдек атравматик тикув материалларидан фойдаланиш, замонавий антисекретор дорилар ва антибиотикларнинг янги авлодларидан фойдаланиш туфайли, БПДС органлари саратон жарроҳлик даволаш бевосита натижаларини сезиларли даражада яхшилаш имкониятига эга бўлди. Билиопанкреатодуоденал саратон билан оғриган беморларни даволашда асосий муаммо меъда ости беши боши қисми саратонини даволаш бўлгани учун, БПДС аъзолари саратони билан оғриган беморларнинг аксарияти бизнинг илмий тадқиқотларимиз дуктал меъда ости беши саратони учун узоқ муддатли прогноз омилларини ўрганишга қаратилган ва бу масалани ўрганиш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда БПДС хавфли ўсмаларини жарроҳлик даволашни такомиллаштириш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, турли локализациядаги БПДС хавфли ўсмаларининг клиник кўринишлари ва хусусиятларини аниқлаш, БПДС хавфли ўсмаларини эрта ташхислаш имкониятларини ўрганиш замонавий тадқиқот усулларида фойдаланиш, гастропанкреатодуоденал резекция, пилорус сақловчи панкреатодуоденал резекция янги усулларида ишлаб чиқиш, панкреатодуоденал резекцияда вирсунг каналини дренажлашнинг янги усулларида ишлаб чиқиш, панкреатодуоденал резекция пайтида ўт йўлини дренажлашнинг янги усулини ишлаб чиқиш, БПДС саратонида операциялар пайтида вирсунг ва ўт йўлларида комбинирланган дренажлаш усулини ишлаб чиқиш ва БПДС саратони билан оғриган беморларда диагностика босқичларининг аҳамияти ва тизимли хусусиятини баҳолаш, шунингдек даволаш – диагностик алгоритмни ишлаб чиқиш каби масалаларни аниқлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик

¹<https://gco.iarc.who.int/media/globocan/factsheets/cancers/13-pancreas-fact-sheet.pdf>

касалликлар асоратлари оқибатида келиб чиқадиган онкологик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг етти устувор йўналишларига мувофиқ, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш мақсадида «... бирламчи тиббий хизмат томонидан аҳолига кўрсатилаётган малакали хизматлар сифатини ошириш ...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, билиопанкреатодуоденал соҳа ўсмаларини терапевтик ва диагностик тактикасини такомиллаштириш, жарроҳлик йўли билан даволаш янги усуллари жорий этиш ва беморларни ушбу касалликда ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сонли “янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида” ги ва 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига онкологик хизматни янада ривожлантириш ва онкологик ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларининг вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий-тадқиқот ишлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналиши VI “тиббиёт ва фармакология”га мувофиқ олиб борилди.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. Сўнги 10 йил давомида адабиёт манбалари шарҳи БПДС хавфли ўсма ларнинг даволашда жарроҳлик ёндашувни такомиллаштириш бўйича маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу туркумга кирувчи онкологик беморларга ёрдам кўрсатиш учун қуйидаги энг нуфузли етакчи илмий марказларида билиопанкреатодуоденал саратон беморларга жарроҳлик ёрдам сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўрганилган: department of general surgery Mayo Clinic, США, department of general surgery, Johns Hopkins Hospital, США, department of general surgery, MD Anderson Cancer Center,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларининг шарҳи қуйидагилар асосида ўтказилди: www.cancer.gov/, www.abdn.ac.uk/, <https://www.jhu.edu/>, <https://www.yonsei.ac.kr/>, en.sjtu.edu.cn/, <https://www5.usp.br/>, <https://global.ulsan.ac.kr/en/Main.do> /english/ва и других источников.

США, department of general surgery, Memorial Sloan Kettering Cancer Center, США, department of general surgery, University College London Hospitals, Великобритания, department of general surgery, University of California, department of general surgery, San Francisco Medical Center, США, department of general surgery, Asan Medical Center, Южная Корея, department of general surgery, The Christie NHS Foundation Trust, Буюк Британия, department of general surgery, Princess Margaret Cancer Centre, Канада, department of general surgery, Charité - Universitätsmedizin Berlin, Германия, department of general surgery, Roche Clinic, Швейцария, department of general surgery, Seoul National University Hospital, Жанубий Корея, department of general surgery, Institut Paoli-Calmettes, Франция, department of general surgery, Instituto Nacional de Cancerologia, Мексика, Peter MacCallum Cancer Centre, Австралия.

Билиопанкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмаларини даволашда жарроҳлик ёндашувни такомиллаштириш соҳасида ҳозирги кунда қуйидаги бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: онкожарроҳлик марказлари ишида терапевтик ва диагностик ёндашувни такомиллаштириш, қорин бўшлиғининг хавфли ўсмалари бўлган беморларда кимё, нур терапиянинг таъсирини баҳолаш ва энг истиқболли усулларини ишлаб чиқиш, операциядан кейинги ҳолатни яхшилаш, шу жумладан билипанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморларда операциядан кейинги асоратларнинг умумий хавфини камайтириш, шунингдек, рецидивсиз яшовчанлик даврини ошириш ва кенг қамровли реабилитация дастурларини жорий этиш орқали ҳаёт сифати параметрларини яхшилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саратон ривожланишининг молекуляр генетикаси асосларини ўрганиш, ўсмаларни ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ушбу касалликка қарши ёндашувни сезиларли даражада ўзгартирди. БПДС саратонини даволаш энди нафақат жарроҳлик аралашувларни, балки турли хил ўсмаларнинг биологик хусусиятларини, уларнинг даволанишга сезгирлигини ва прогностик жиҳатдан муҳим омиллар тўпламини ҳисобга олишни ҳам ўз ичига олади. БПДС саратони билан оғриган беморлар кўп ҳолларда сариқлик белгилари билан касалхонага ётқизилади. Бироқ, сариқлик мавжудлигида амалга ошириладиган радикал операциялар кўпинча жиддий асоратлар ва юқори ўлим билан бирга келади. Шунинг учун бундай ҳолларда биринчи босқичда ўт йўллариининг декомпрессиясини, иккинчисида радикал операцияни ўз ичига олган икки босқичли даволаш таклиф этилади.

Сафро йўллариини декомпрессиялашнинг турли усуллари мавжуд, аммо уларни қўллашда ягона ёндашув йўқ. Бу ушбу муаммони ўрганиш янада муҳимлигини кўрсатади. БПДС саратони билан оғриган беморларда операцияни режалаштиришда операция натижаларига таъсир қиладиган барча прогностик аҳамиятга эга омилларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Маҳаллий ва хорижий адабиётларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, БПДС саратони билан оғриган беморларда ташхисни яхшилаш, жарроҳлик ва операциядан кейинги парваришнинг оптимал тактикасини аниқлашга талаб

мавжуд. Шунингдек, операциядан кейин ичак тўсиғини тиклаш ва БПДС саратони билан оғриган беморларда операциядан кейин меъда мавжудлигини тиклаш усуллари техник жиҳатдан такомиллаштириш имкониятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Шундай қилиб, БПДС саратонини даволаш муаммоси жуда катта аҳамиятга эга. Жарроҳлик имкониятини аниқлаш учун ПЕТ/КТ нинг диагностик қийматини аниқлаш, жарроҳликнинг оптимал кўлами ва турли жарроҳлик усуллари бўйича натижаларни қиёсий таҳлил қилиш – буларнинг барчаси кўшимча ўрганишни талаб қиладиган муҳим масалалардир. Буларнинг барчаси беморларнинг ушбу гуруҳини даволаш стратегиясини аниқлашга ёрдам беради ва БПДС саратонига қарши курашда фойда келтиради. Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда панкреатодуоденал ўсмаларнинг эпидемиологияси, диагностикаси ва даволаш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо билиопанкреатодуоденал хавфли ўсмаларни жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш йўллари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика Ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: жарроҳлик усулида даволашнинг янги усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали билиопанкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмалари беморларини жарроҳлик даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли локализациядаги билиопанкреатодуоденал соҳаси хавфли ўсмалари кечишининг клиник хусусиятларини аниқлаш;

билиопанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморларда диагностика босқичларининг аҳамияти ва тизимлиги баҳолаш ва ушбу тоифадаги беморлар учун терапевтик-диагностик алгоритм ишлаб чиқиш;

гастропанкреатодуоденал резекцияда гастропанкреатоанастомознинг такомиллаштирилган усулининг самарадорлиги баҳолаш;

панкреатодуоденал резекция пайтида меъда пилорик сфинктерининг яхлитлигини сақлашнинг ишлаб чиқилган усулининг таъсирини таҳлил қилиш;

панкреатодуоденал резекция пайтида вирсунг каналини, сафро йўлини дренажлаш ва сафро ва вирсунг каналларини комбинирланган дренажлаш усуллари такомиллаштириш;

билиопанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморларида ишлаб чиқилган жарроҳлик даволаш усуллариининг стандарт жарроҳлик даволаш усулларига нисбатан умумий ва касалликка хос 2 йиллик яшовчанлик даражасига таъсирини баҳолаш;

билиопанкреатодуоденал соҳа саратони беморларида модернизацияланган жарроҳлик даволаш усуллариининг операциядан кейинги

натижаларга, беморларнинг жисмоний ва рухий-эмоционал ҳолати даражасига таъсирини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти: Диссертация иши 2010 йилдан 2021 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг онкоабдоминал бўлимида даволанган 184 беморни кузатишга асосланган.

Тадқиқотнинг предмети: клиник ва лаборатория, ультратовуш, морфологик ва иммуногистохимёвий тадқиқотлар, шунингдек операциядан кейинги жисмоний фаоллик ва ҳаёт сифатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион ишда антропометрик, нур, патогистологик, молекуляр-генетик ва статистик текшириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

панкреатодуоденал резекциянинг реконструктив босқичида асосий панкреатик канални узун панкреатико-еюнал ички дренажлар билан дренажланиши меъда ости беши ширасининг олиб кетувчи ингичка ичакка адекват тушиши туфайли оғир меъда ости беши фистуласи ривожланишини олдини олиши исботланган;

гастропанкреатодуоденал резекцияда ингичка ичак кўтариловчи ҳалқасини ёпиш услуби панкреатико- ва билиодигестив анастомоз соҳасига меъда сақламасини кириб келишини олдини олиш орқали панкреатик фистула ва олиб келувчи ҳалқа синдроми ривожланишининг олдини олишга имкон бериши исботланган;

аррозив қон кетиш ва ингичка ичак олиб кетувчи ҳалқасини қон лахталари билан тикилиб қолишида панкреатик шира димланишини олдини олиши туфайли вирсунг каналининг дренажланиши операциядан кейинги оғир панкреанекроз ривожланиш эҳтимолини камайтириши исботланган;

операциядан кейинги даврда панкреатик оқма билан асоратланган беморларда, ўт йўллари ичаклар аро Браун анастомози орқали қўшимча ички дренажлаш, олиб кетувчи ичакда сафронинг эвакуациясини яхшилаши ва панкреатик оқма фонида босим градиентининг пасайиши туфайли оқма битишини тезлаштириши исботланган;

кисет чоклар билан қўшимча герметизация қилиш билан “учини-ёнга” панкреатикоеюностомияда, чокнинг капсула ва меъда ости беши паренхимасига бир текис босимини таъминлаши туфайли панкреатикодигестив анастомоз етишмовчилиги ҳавфини пасайтириши исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

билиопанкреатодуоденал саратон билан оғриган беморларни операциядан кейинги 2 йиллик яшовчанлик улушини сезиларли даражада оширувчи жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқилган;

таклиф этилган асосий панкреатик канални узун панкреатико-еюнал ички дренажлар билан дренажланиши натижасида меъда ости беши ширасининг

олиб кетувчи ингичка ичакка адекват тушиши натижасида беморларда амалиётдан кейинги асоратларни камайтириш тартиби аниқланган;

тавсия этилган ингичка ичак кўтарилувчи ҳалқасини ёпиш услуби панкреатико- ва билиодигестив анастомоз соҳасига меъда сақламасини кириб келишини олдини олиш орқали анастомоз етишмовчилиги асоратларни камайтириш тартиби аниқланган;

тавсия этилган усуллар операциядан кейинги асоратлар хавфининг пасайтириши, жароҳатлар битишини тезлаштириши ва беморларнинг операциядан кейинги жисмоний фаоллашуви даврини қисқартириши орқали беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши аниқланган;

билиопанкреатодуоденал соҳа саратони беморларида ташҳислаш ва даволаш босқичларини ўз ичига олган, панкреатодуоденал резекция амалиётларига ва консерватив давога кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни белгиловчи ташҳислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги услубий ёндашув ва объектив клиник, функционал, морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллариининг натижалари билан ва тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти билиопанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашнинг янги усуллари ва операциядан кейинги даволаш натижалари ўртасидаги боғлиқлик бўйича маълумотлар таҳлили ўтказилганлиги, олинган маълумотлар қорин бўшлиғи аъзолари хавфли ўсмалари беморларини жарроҳлик давоси бўйича тадқиқот ишлари учун яна бир асос яратганлиги ва олинган маълумотлар ушбу соҳа саратони билан оғриган беморларда жарроҳлик давосининг ўрнини ўрганишга ҳам муҳим илмий ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти онкологик беморларга онкожарроҳлик ёрдами соҳасидаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари базасида билиопанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморларнинг терапевтик ва диагностик ёндашувларини қайта ташкил этиш учун асос яратганлиги, ушбу мураккаб соҳа саратони беморларини жарроҳлик давосининг техник усуллари, шунингдек операция вақтида ва ундан кейинги даврда олиб бориш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларини камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 27 апрелдаги хулосасига кўра:

биринчи илмий янгиллик: панкреатодуоденал резекциянинг реконструктив босқичида асосий панкреатик канални узун панкреатико-еюнал ички дренажлар билан дренажланиши меъда ости беши ширасининг олиб кетувчи ингичка ичакка адекват тушиши туфайли оғир меъда ости беши фистуласи ривожланишини олдини олиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15

апрелидаги 74-1§3 сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали абдоминал хирургия бўлимида 2024 йилнинг 13 апрелидаги 77-а-ф-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган ПДРнинг реконструктив босқичида асосий панкреатик канални узун панкреатико-еюнал ички дренажлар билан дренажланиши меъда ости беши ширасининг олиб кетувчи ингичка ичакка адекват тушиши туфайли оғир меъда ости беши фистуласи ривожланишини олдини олиши, шунингдек, беморлар ҳаёт давомийлигини яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* биринчи марта ПДРнинг реконструктив босқичида асосий панкреатик канални узун панкреатико-еюнал ички дренажлар билан дренажланиши меъда ости беши ширасининг олиб кетувчи ингичка ичакка адекват тушиши туфайли оғир меъда ости беши фистуласи ривожланишини олдини олиши сабабли давлат бюджетидан сарф харажатларни 9,5%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ПДРнинг реконструктив босқичида асосий панкреатик канални узун панкреатико-еюнал ички дренажлар билан дренажланиши меъда ости беши ширасининг олиб кетувчи ингичка ичакка адекват тушиши туфайли оғир меъда ости беши фистуласи ривожланишини олдини олиши натижасида 1 нафар бемор ҳисобига 9,5%га иқтисод қилиш ва шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: гастропанкреатодуоденал резекцияда ингичка ичак кўтарилувчи ҳалқасини ёпиш услуби панкреатико- ва билиодигестив анастомоз соҳасига меъда сақламасини кириб келишини олдини олиш орқали панкреатик фистула ва олиб келувчи ҳалқасининг ривожланишининг олдини олишга имкон бериши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 апрелидаги 74-1§3 сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали абдоминал хирургия бўлимида 2024 йилнинг 13 апрелидаги 77-а-ф-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ГПДРда ингичка ичак кўтарилувчи ҳалқасини ёпиш услуби панкреатико- ва билиодигестив анастомоз соҳасига меъда сақламасини кириб келишини олдини олиш орқали панкреатик фистула ва олиб келувчи ҳалқасининг олдини олишга имкон беришига ва беморлар ҳаёт сифати ва ҳаёт давомийлигини оширишга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* панкреатико- ва билиодигестив анастомоз соҳасига меъда сақламасини кириб келишини олдини олиш орқали панкреатик фистула ва олиб келувчи ҳалқасининг олдини олишга имкон бериши орқали ГПДРда ингичка ичак кўтарилувчи ҳалқасини ёпиш услуби даволаш натижаларини ижобий ўзгартириши натижасида бджетидан сарф харажатларни 15,0%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ГПДРда ингичка ичак кўтарилувчи ҳалқасини ёпиш услуби панкреатико- ва билиодигестив

анастомоз соҳасига меъда сақламасини кириб келишини олдини олиш орқали панкреатик фистула ва олиб келувчи ҳалқа синдроми ривожланишининг олдини олишга имкон берганлиги учун 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 15,0%га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, маблағларни иқтисод қилишга эришилган.

учинчи илмий янгилик: аррозив қон кетиш ва ингичка ичак олиб кетувчи ҳалқасини қон лахталари билан тикилиб қолишида панкреатик шира димланишини олдини олиши туфайли вирсунг каналининг дренажланиши операциядан кейинги оғир панкреанекроз ривожланиш эҳтимолини камайтириши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 апрелидаги 74-I§3 сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали абдоминал хирургия бўлимида 2024 йилнинг 13 апрелидаги 77-а-f-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* аррозив қон кетиш ва ингичка ичак олиб кетувчи ҳалқасини қон лахталари билан тикилиб қолишида панкреатик шира димланишини олдини олиши туфайли, Вирсунг каналининг дренажланиши операциядан кейинги оғир панкреанекроз ривожланиш эҳтимолини камайтириши натижасида беморларни эрта фаоллиштиришни яхшилаш, беморларни ўринда бўлишини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* аррозив қон кетиш ва ингичка ичак олиб кетувчи ҳалқасини қон лахталари билан тикилиб қолишида панкреатик шира димланишини олдини олиши туфайли, Вирсунг каналининг дренажланиши операциядан кейинги оғир панкреанекроз ривожланиш эҳтимолини камайтириши натижасида беморларни эрта фаоллиштиришни яхшилаш, беморларни ўринда бўлишини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшиланиши натижасида бюджетидан сарф харажатларни 6,0%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* аррозив қон кетиш ва ингичка ичак олиб кетувчи ҳалқасини қон лахталари билан тикилиб қолишида панкреатик шира димланишини олдини олиши туфайли, Вирсунг каналининг дренажланиши операциядан кейинги оғир панкреанекроз ривожланиш эҳтимолини камайтириши натижасида эрта фаоллашувни яхшилаш ва ётоқ кунларини қисқартириш учун 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 6,0 %га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган ва маблағларни иқтисод қилишга эришилган.

тўртинчи илмий янгилик: операциядан кейинги даврда панкреатик оқма билан асоратланган беморларда, ўт йўллари ичаклар аро Браун анастомози орқали қўшимча ички дренажлаш, олиб кетувчи ичакда сафронинг эвакуациясини яхшилаши ва панкреатик оқма фонида босим градиентининг пасайиши туфайли оқма битишини тезлаштириши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024

йилнинг 15 апрелидаги 74-І§3 сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали абдоминал хирургия бўлимида 2024 йилнинг 13 апрелидаги 77-а-ф-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* операциядан кейинги даврда панкреатик оқма билан асоратланган беморларда, ўт йўллари ичаклар аро Браун анастомози орқали қўшимча ички дренажлаш, олиб кетувчи ичакда сафронинг эвакуациясини яхшилаши ва панкреатик оқма фонида босим градиентининг пасайиши туфайли оқма битишини тезлаштириши сабабли беморлар ҳаёт сифатини ва ҳаёт давомийлигини яхшилаш кўрсатиб ўтилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* операциядан кейинги даврда панкреатик оқма билан асоратланган беморларда, ўт йўллари ичаклар аро Браун анастомози орқали қўшимча ички дренажлаш, олиб кетувчи ичакда сафронинг эвакуациясини яхшилаши ва панкреатик оқма фонида босим градиентининг пасайиши туфайли оқма битишини тезлаштириши орқали бюджетдан сарф харажатларни 7,5%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* операциядан кейинги даврда панкреатик оқма билан асоратланган беморларда, ўт йўллари ичаклар аро Браун анастомози орқали қўшимча ички дренажлаш, олиб кетувчи ичакда сафронинг эвакуациясини яхшилаши ва панкреатик оқма фонида босим градиентининг пасайиши туфайли оқма битишини тезлаштириши орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 7,5% иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

бешинчи илмий янгилик: кiset чоклар билан қўшимча герметизация қилиш билан “учини-ёнга” панкреатикоеюностомияда, чокнинг капсула ва меъда ости беzi паренхимасига бир текис босимини таъминлаши туфайли панкреатикодигестив анастомоз етишмовчилиги ҳавфини пасайтириши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали умумий хирургия бўлимида 2024 йилнинг 15 апрелидаги 74-І§3 сонли буйруқ билан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали абдоминал хирургия бўлимида 2024 йилнинг 13 апрелидаги 77-а-ф-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* кiset чоклар билан қўшимча герметизация қилиш билан “учини-ёнга” панкреатикоеюностомияда, чокнинг капсула ва меъда ости беzi паренхимасига бир текис босимини таъминлаши туфайли панкреатикодигестив анастомоз етишмовчилиги ҳавфини пасайтириши орқали беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланиши, ногиронликнинг пасайиши, доимий равишда дорига мухтожлик, ўзгалар парваришига мухтожликни камайтирган ва умр давомийлигининг узайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* кiset чоклар билан қўшимча герметизация қилиш билан “учини-ёнга” панкреатикоеюностомияда, чокнинг капсула ва меъда ости беzi паренхимасига бир текис босимини таъминлаши туфайли панкреатикодигестив анастомоз етишмовчилиги ҳавфини пасайтириши орқали бюджетдан сарф харажатларни 6,0%га иқтисод

қилишга эришилган. *Хулоса:* кiset чоклар билан қўшимча герметизация қилиш билан “учини-ёнга” панкреатикоеюностомияда, чокнинг капсула ва меъда ости беzi паренхимасига бир текис босимини таъминлаши туфайли панкреатикодигестив анастомоз етишмовчилиги ҳавфини пасайтириши учун 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 6,0%га иқтисод қилиш, шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган ва маблағлар иқтисод қилишга эришилган.

Ю.К.Якубовнинг «**Билиопанкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмаларини жарроҳлик усулида даволаш**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 5 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йилдаги 26 июлдаги 02-03/386-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Илмий натижаларнинг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 6 илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 1 халқаро ва 5 республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шундан: 12 та журнал мақолалари, шу жумладан диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 10 та Республика ва 2 та хорижий журналларда, 2 та услубий тавсиялар, 8 та тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, яқун, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилик ва амалий натижалар келтирилган, олинган маълумотларнинг илмий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиқ берилган.

Диссертациясининг “**Билиопанкреатодуоденал соҳа хавфли ўсмалари беморларининг клиник кечиши, диагностикаси ва даволаш усулларининг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**” деб номланган биринчи бобида БПДС саратон касаллигининг ҳозирги эпидемиологик ҳолати, замонавий диагностика ва даволаш турлари тўғрисида илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Ушбу муаммога бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиётлар ўрганилган, БПДС саратонини жарроҳлик йўли билан даволаш турлари ва

уларнинг касалликларга таъсирини ўрганиш муаммосининг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган, кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар шакллантирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг “тадқиқотнинг материал ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва фойдаланилган тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган. БПДС саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашни ва унинг клиник ҳолати ва ҳаёт сифатининг ҳолати ва прогнозига таъсирини яхшилаш учун биз БПДС саратони билан боғлиқ механик сариқлик (МС) клиник кўриниши бўлган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги РИОваРИАТМ онкохирургик бўлимларида даволанган 184 бемордан иборат гуруҳ шакллантирдик. Беморларнинг ўртача ёши 55 ни, ёш медианаси эса 34 дан 67 ёшни ташкил қилди. Кузатув даври 24 ойни ташкил қилди. Тадқиқот иштирокчилари орасида клиник аломатлар 184 (100%) ҳолларда гипербилирубинемия, 67 (36,4%) ҳолларда ҳолсизлик, 56 (30,4%) ҳолларда гипертермия, 50 (27,2%) да оғриқ синдроми, 46 (25,0%) да иштаҳанинг пасайиши ва 42 (22,8%) ҳолатларда кўнгил айланиши/қусиш билан тавсифланган.

Механик сариқликнинг сабабини ва ҳавfli ўсманнинг жойлашган жойини аниқлаш учун тадқиқот доирасида қорин бўшлиғи аъзоларининг магнит-резонанс томография (МРТ) - холангиографияси ишлатилди. Ушбу процедура 42 кВт, 16 кесим/дақиқа қувватга эга бўлган GE BrightSpeed Elite (General Electric©, АҚШ) компьютер томографида ўтказилди. Диагностик қидирув МСКТ пайтида ёд сақловчи контраст моддаларни қўллашда тўқима зичлиги ошишининг рентгенологик белгиларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Энг асосий рентген характеристикалари васкуляризация даражаси, қорин бўшлиғи органларига нисбатан ўсма жараёнининг чегаралари эди. Шундай қилиб, тадқиқот иштирокчилари орасида ўсма жараёни меъда ости беши боши соҳасида – 66 (53,8%), меъда ости беши боши ва танасида – 33 (17,9%) ҳолатда, умумий ўт йўллари (УЎЙ) соҳасида-21 (11,4%), 12 бармоқ ичак катта дуоденал сўрғичида (КДС) – 5 (2,7%) ҳолларда, ўт пуфагида (ЎП) 3 (1,6%) ҳолларда, холедох соҳасида – 2 (1,1%) ҳолларда, 12 бармоқ ичак тушувчи қисмида – 1 (0,5%) ҳолат, шунингдек рентгенологик БПДСнинг бир нечта аъзоларида жойлашганда 53 (28,8%) ҳолларда кузатилди. Диагностик текширувнинг рентгенологик усулларида ташқари, тадқиқот иштирокчилари фиброэзофагогастроуденоскопия (ФЭГДС) дан ўтдилар. Olympus GIF-E3 (Olympus, Япония) гастропиброскопи эндоскопик текшириш ускунаси сифатида ишлатилган. 69 (37,5%) ҳолларда ФЭГДС жараёнида ўсма жараёнининг тўқима тузилишини морфологик текшириш ўтказилди. Қолган 115 (62,5%) ҳолатда гистологик текширув операция вақтида операция ичи ўтказилди. Шундай қилиб, клиник тадқиқотга киритилган 184 бемор орасида 100 (54,3%) ҳолатда дуктал аденокарциномалар, 18 (9,8%) ҳолатда аралаш карцинома, 17 (9,2%) ҳолатда – карцинома, 15 (8,2%) ҳолатда – ўрта дифференциаллашган аденокарцинома, 13 (7,1%) ҳолатда – юқори

дифференциаллашган аденокарцинома, 8 (4,3%) ҳолатда – паст дифференциаллашган аденокарцинома, 8 (4,3%) ҳолатда – дифференциаллашмаган саратон, 3 (1,6%) ҳолатда – гастроинтестинал стромал ўсма (ГИСЎ), 1 (0,5%) ҳолатда – экзокрин саратон ва 1 (0,5) ҳолатда – холангиокарцинома аниқланди.


Беморларни баҳолаш ва ўсма жараёнининг босқичига қараб тақсимлашда Саратон касаллигини ўрганиш бўйича Америка Қўшма қўмитасининг (American Joint Committee of Cancer – AJCC) стратификацияси қўлланилди. T₁N₀M₀ (IA-босқич) тавсифидаги беморлар 21 (11,4%) ҳолатда, T₂N₀M₀ (IB-босқич) – 45 (24,5%) беморда, T₃N₀M₀ (IIA-босқич) – 42 (22,8%) беморда, T₁₋₁N₁M₀ (IIB-босқич) – 20 (10,9%) беморда, T₄N₀₋₁M₀ (III-босқич) – 38 (20,7%) беморда, T₁₋₄N₀₋₁M₁ (IV-босқич) – 18 (9,8%) беморда аниқланди.

Барча беморлар босқичи ва иммуногистохимёвий субтипига қараб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган БПДС саратонини ташхислаш ва даволаш протоколига мувофиқ даволанди. Шундай қилиб, БПДС саратонини жарроҳлик усулида даволаш асосий усуллари орасида локализацияси ва ўсма жараёнининг босқичида қараб турли анастомозларни шакллантириш билан, панкреатодуоденал резекция (ПДР) ва гастропанкреатодуоденал резекция (ГПДР) усуллари қўлланилган: 1-гурух 25 (13,6%) бемордан иборат бўлиб, ГПДР, ингичка ичакнинг кўтарилувчи қисмини ёпиш билан гастропанкреатоанастомоз шакллантириш ҳажмида жарроҳлик давосини олган; 2-гурух – 24 (13,0%) гастропанкреатоанастомоз шакллантириш билан ГПДР ўтказган беморлар; 3-гурух – 27 (14,7%) панкреатоеюноанастомоз шакллантириш билан ПДР ўтказилган беморлар; 4-гурух – 26 (14,1%) Вирсунг йўлини қўшимча дренажлаш билан ПДР ўтказган беморлар; 5-гурух – 25 (13,6%) жигардан ташқари ўт йўллари кўшимча комбинирланган дренажлаш билан ПДР ўтказган беморлар; 6-гурух – 30 (16,3%) пилорик сфинктер бутунлигини сақлаш билан панкреатоеюноанастомоз шакллантирилган ПДР ўтказган беморлар; 7-гурух (назорат гуруҳи) – 27 (14,7%) стандарт ПДР усули ўтказилган беморлар.

Диссертациянинг **“Билиопанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш усуллари ташлаш мезонлари ва хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобда диссертация ишининг операциядан олдинги биринчи клиник босқичи натижалари келтирилган.


Ушбу бўлимда муаллиф томонидан таклиф этилган БПДС саратони беморларининг жарроҳлик даволаш усуллари батафсил таърифланади. Шу билан бирга, клиник амалиётда ишлатиладиган БПДС саратони жарроҳлик даволаш усуллари асосий фарқланувчи хусусиятлари, реконструктив компонент устун бўлган ва панкреатогастроанастомоз (ПГА), гастроентероанастомоз (ГЭА) ва энтроэнтроанастомоз (ЭЭА) шакллантириш билан ПДР ҳисобланди. Шунингдек, ПДР ва ГПДРда анастомоз соҳасининг назоеюнал ва бўшлиқ ичи комбинацияланган дренажининг такомиллаштирилган турлари, шунингдек, энтероанастомозни ёпиш усулида қўллаш техникаси тасвирланган.

Ушбу бобда меъда яқинидаги ингичка ичакнинг изоляцияланган ҳалқасининг кўтарилган қисмини ёпиш билан панкреатогастроанастомоз қўйиш билан гастропанкреатодуоденал резекция пайтида анатомик соҳани реконструкция қилиш техникаси тасвирланган (1-расмга қаранг).



1-расм. Меъда яқинидаги ингичка ичакнинг изоляцияланган ҳалқасининг кўтарилган қисмини ёпиш билан ПГА қўйиш билан ГПДР пайтида анатомик соҳани реконструкция қилиш техникаси.

Меъда яқинидаги ингичка ичакнинг изоляцияланган ҳалқасининг кўтарилган қисмини ёпилиши меъда таркибининг гепатоэнтероанастомоз соҳасига киришини бартараф қилади ва унинг етишмовчилигини олдини олади.




2-расм. Меъда яқинидаги ингичка ичакнинг изоляцияланган ҳалқасининг кўтарилган қисмини ёпилиши билан ПЭА қўйиш билан ГПДРда анатомик соҳани реконструкцияси техникаси.

Ингичка ичак ҳалқасида ёпиқ ёнма-ён ЭЭА билан резекция қилинган ошқозон чўлтоғининг тикув чизиги бўйлаб гастроэнтероанастомознинг яратилиши сафрони ингичка ичакка йўналтиришга имкон беради. Усул гепатоэнтероанастомоз етишмовчилиги ва операциядан кейинги оқмалар


ривожланиши, перитонит ва операциядан кейинги бошқа асоратлар хавфини сезиларли даражада камайтиради (2-расмга қаранг).

ПГА дренажининг ишлаб чиқилган муқобил усули маълумотлари келтирилган. Ушбу техниканинг асосий мақсади операциядан кейинги даврда эндоскопик усулда осонгина олиб ташланадиган Вирсунг каналини Вирсунгоэнтерал дренаж билан декомпрессия қилиш орқали меъда сақламасини чиқариш ва рефлюксни ликвидация қилиш, операциядан кейинги асоратларни камайтириш орқали ПГА соҳасида етишмовчилик ҳолатларини бартараф этиш бўлган (3-расмга қаранг).




3-расм. ПДРда ПГАни дренажлаш техникаси: 1 – дренаж силикон катетер билан ПГА соҳасига олиб келинади, унинг бир учи анастомоз соҳасига фиксацияланади, 2-чи эркин учи эса ингичка ичакда эркин ётади.

Ушбу бобда панкреатодуоденал резекция пайтида меъда ости бези ва ўт йўллариининг комбинацияланган дренажини ўрнатиш техникаси келтирилган (4-расмга қаранг).



4. расм. Панкреатодуоденал резекцияда комбинирлашган панкреатик ва умумий ўт йўл дренажлаш усули: 1 – умумий ўт йўл дренажи силикон стент ва катетер билан, 2-чи панкреатик йўлнинг дренажи силикон стент ва катетер билан


5-10-расмларда панкреато-гастро ва панкреато-еюно анастомози билан гастропанкреатодуоденал резекция операциясининг турли лаҳзалари, ингичка ичакнинг кўтарилган ҳалқаси ёпилиши кўрсатилган. Биз жарроҳлик даволашнинг ушбу усули учун ихтироларга патент олдик.



5-расм. ГПД комплекс олиб ташлангандан кейинги жароҳат ўрни




6-расм. Панкреатогастроанастомоз қўйиш жараёни




7-расм. ПГА қўйилгандан кейинги жароҳат майдони орқа қисмининг кўриниши



8-расм. Гепатикоеюно анастомоз қўйиш жараёни



9-расм. Гастро-энтеро, панкреато-еюно ва гепатико-еюно анастомоз қўйилгандан кейинги жароҳат майдони кўриниши.



10-расм. Панкреатоеюно, гепатико-еюно ва пилорус сақловчи гастро-энтеро анастомоз қўйилгандан кейинги жароҳат майдони кўриниши.

Таъкидлаш жоизки, БПДС саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган усуллари асосида ГПДР ва

ПДР классик усуллари ётади. Бироқ, стандарт жарроҳлик даволаш усулларининг операциядан кейинги натижалари мунозарали бўлиб, кўпинча натижалар маълумотлари текширишдан текширишгача корреляция қилинмайди. Шу муносабат билан БПДС саратонини жарроҳлик даволашнинг такомиллаштирилган усулларини кўриб чиқиш истиқболли ҳисобланади ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтиради.

Диссертациянинг “**Билиопанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида БПДС саратон касаллигига чалинган тадқиқот иштирокчиларини жарроҳлик даволаш таҳлили натижалари келтирилган. Операциядан кейинги давр таҳлил қилинганда, у энг паст яшовчанлик стандарт ГПДР бажарилган беморларнинг назорат гуруҳига тўғри келди. Назорат гуруҳида БПДС билан беморларнинг умумий сони 27 (100%) ни ташкил этган ҳолда, умумий ўлим ҳолатларининг 22 (81,4%) ҳолатини ташкил этди ва бу бошқа бемор гуруҳлари билан таққослаганда ишончли статистик фарқларга эга ($p=0,001$).

1 – жадвал.

Билиопанкреатодуоденал саратон жарроҳлик даволаш турига қараб тадқиқот иштирокчилари орасида клиник натижаларини таҳлил қилиш

Кўрсаткич	Мезонлар	Натижа		p
		Тирик (%)	Ўлим (%)	
Жарроҳлик усулида даволаш	1-гуруҳ, n=25 (100%)	15 (60)	10 (40)	0,001*
	2-гуруҳ, n=24 (100%)	17 (70,8)	7 (29,2)	
	3-гуруҳ, n=27 (100%)	16 (59,3)	11 (40,7)	
	4-гуруҳ, n=26 (100%)	17 (65,4)	9 (34,6)	
	5-гуруҳ, n=25 (100%)	17 (68)	8 (32)	
	6-гуруҳ, n=30 (100%)	20 (66,7)	10 (33,3)	
	Назорат гуруҳи, n=27 (100%)	5 (18,6)	22 (81,4)	

* – кўрсаткичларнинг фарқи статистик аҳамиятли ($p<0,05$), қўлланилган усул: Персоннинг Хи-квадрати

Жарроҳлик даволаш турига қараб клиник натижаларни таҳлил қилишда энг яхши натижа гастропанкреатоанастомоз шаклланиши билан 2 – ГПДР гуруҳида қайд этилди ва 24 (100%) бемордан 7 (29,2%) беморларда ўлим кузатилди. Гепатикоеюноанастомоз шаклланиши билан ПДР жарроҳлик йўли билан даволанган БПДС саратони 1-гуруҳ беморлари орасида 25 (100%) иштирокчидан 10 (60,0%) ўлим ҳолати кузатилди. Панкреатоеюноанастомоз шаклланиши билан ГПДР ўтказилган 3-гуруҳда 11 (40,7%) иштирокчида летал натижа қайд этилган.

Вирсунг каналининг қўшимча дренажлаш билан ПДР ўтказилган 4-гурухида ушбу гуруҳдаги 26 (100%) бемордан 9 (34,6%) нафарида ўлим ҳолатлари содир бўлди. Беморларда жигардан ташқари ўт йўллариининг қўшимча комбинацияланган дренажлаш билан ПДР ўтказилган 5-гурухида эса ушбу гуруҳнинг 25 (100%) беморлари орасида 8 (32,0%) нафарида ўлим қайт этилди. Ва пилорик сфинктернинг яхлитлигини сақлаган ҳолда панкреатоеюноанастомоз шаклланиши билан ПДР жарроҳлик даволаши бажарилган 6-гурух беморларида 30 (100%) беморлардан 10 (33,3%) нафар ҳолларда ўлим содир бўлган (1-жадвалга қаранг).

БПДС саратонининг операциядан кейинги рецидивланиш частотасини таҳлил қилганда, рецидив мавжудлиги факти ўсма жараёнининг босқичи билан бевосита боғлиқлиги ва жарроҳлик даволаш тури ва тактикасига боғлиқ эмаслиги ($p=0,999$) аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2 – жадвал.

Жарроҳлик даволаш турига қараб БПДС саратонининг операциядан кейинги рецидивини таҳлил қилиш

Кўрсаткич	Мезонлар	Ўсма жараёни рецидиви		p
		Йўқ (%)	Мавжуд (%)	
Жарроҳлик усулида даволаш	1-гурух, n=25 (100%)	16 (64)	9 (36)	0,999
	2-гурух, n=24 (100%)	16 (66,7)	8 (33,3)	
	3-гурух, n=27 (100%)	18 (66,7)	9 (33,3)	
	4-гурух, n=26 (100%)	17 (65,4)	9 (34,6)	
	5-гурух, n=25 (100%)	15 (60)	10 (40)	
	6-гурух, n=30 (100%)	19 (63,4)	11 (36,6)	
	Назорат гуруҳи, n=27 (100%)	13 (48,2)	14 (51,8)	

* – кўрсаткичларнинг фарқи статистик аҳамиятли ($p<0,05$), қўлланилган усул: Персоннинг Хи-квадрати

Тадқиқот қатнашчилари орасида амалиётдан кейинги асоратлар ўрганилганда, энг кўп кузатилди: панкреатик оқма – 10 (5,5%), юмшоқ тўқималар инфекцияси – 7 (3,8%), анастомозит – 7 (3,8%), анастомоз етишмовчилиги – 6 (3,3%), МОБ чўлтоғи панкреатитининг деструктив шакли – 6 (3,3%), жарроҳлик амалиёти соҳасида аррозив қон кетиш – 5 (2,7%), локал перитонит – 4 (2,2%), меъда ичак тизими ярасидан қон кетиш – 4 (2,2%), тарқоқ перитонит – 3 (1,6%), анастомоз перфорацияси – 1 (0,5%), амалиётдан кейинги вентрал чурра – 1 (0,5%). Билиопанкреатодуоденал соҳа саратони билан оғриган беморлар орасида операциядан кейинги асоратлар ҳолатларини таҳлил қилиш натижасида жарроҳлик билан боғлиқ барча асоратларнинг энг

паст улуши 5 (20,0±1,52%) тадан ҳолатни ташкил этган ва бу панкреатогастроанастомоз шакллантириш билан ГПДР, панкреатоеюноанастомоз шакллантириш билан ГПДР ва Вирсунг каналини кўшимча дренажлаш билан ПДР ўтказилган 2, 3 ва 4-гуруҳ беморларида қайд этилганлиги аниқланди. Ингичка ичакнинг кўтарилган қисмини ёпиш билан гастропанкреатанастомоз шакллантириш билан ПДР ўтказилган 1-гуруҳ беморлари орасида операциядан кейинги асоратларнинг 11 (44,0%) ҳолати қайд этилган. Жигардан ташқари ўт йўллариининг кўшимча комбинацияланган дренажлаш билан ПДР ўтказилган 5 – гуруҳда операциядан кейинги 8 (32,0%) ҳолатда асоратлар қайд этилган ва пилорик сфинктернинг яхлитлигини сақлаган ҳолда панкреатоеюноанастомоз шакллантириш билан ПДР бажарилган 6-гуруҳида операциядан кейинги асоратларнинг 8 (29,6%) ҳолати қайд этилган.


Шунингдек, БПДС саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашнинг тавсия этилган усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш доирасида Бартел индекси ёрдамида операциядан кейинги жисмоний тикланиш даврини баҳолаш амалга оширилди. Ушбу кўрсаткични баҳолаш беморни жарроҳлик даволашдан кейин қайси вақтда тадқиқотнинг кейинги босқичига ўтказишга тайёрлигини тушунишга имкон беради, шунингдек тиббий реабилитациянинг биринчи босқичининг дозаси ва режимини тартибга солади. Операциядан кейинги даврда БПДС саратони билан оғриган беморларнинг аҳволи ўртача оғир ва оғир ҳолатда бўлишини ҳисобга олсак, Бартелл индекси 60 ёки ундан ортиқ балл қийматида қониқарли деб топилди. Бартел индекси бўйича 60 баллдан ортиқ балл тўплаган беморлар кўпгина маиший вазифалари учун зарур бўлган барча ўз-ўзига хизмат кўрсатиш функцияларини бажаришлари мумкин. Шундай қилиб, операциядан кейинги жисмоний тикланишнинг энг қисқа даври 10 ётоқ кунини ташкил этган бўлиб, бу ҳолат БПДС саратони учун жарроҳлик даволашни олган Вирсунг йўлининг кўшимча дренажлаш билан ПДР, жигардан ташқари ўт йўллариини кўшимча комбинацияланган дренажлаш билан ПДР ва пилорик сфинктернинг яхлитлигини сақлаб қолиш билан панкреатоеюноанастомоз шакллантириши билан ПДР бажарилган 4, 5 ва 6 гуруҳ беморлари орасида қайт этилди.

Операциядан кейинги жисмоний тикланишнинг энг узоқ даври гастропанкреатанастомоз шакллантирилиши билан ГПДР ва стандарт усулдаги ГПДР даволашини олган 2 ва 7 гуруҳ беморлари орасида қайд этилган.

БПДС саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилиш натижасида такомиллаштирилган ПДР ва ГПДР усулларида фойдаланиш, стандарт ПДР ва ГПДР муолажаларини олган беморларнинг назорат гуруҳи билан таққослаганда клиник синов охиригача (24 ой) яшовчанлик кўрсаткич бўйича яхшироқ клиник натижага олиб келганлиги аниқланди. Бундан ташқари, назорат гуруҳидаги беморларда жарроҳлик билан боғлиқ операциядан кейинги асоратларнинг юқори кўрсаткичлари ва операциядан кейинги жисмоний тикланишнинг узоқроқ муддати кузатилди. Бу еса кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдамининг сифати


кониқарли эмаслигини кўрсатади. БПДС саратонини жарроҳлик даволашнинг стандарт усуллари операциядан кейинги даврга бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор камчиликларга эга. Бу БПДС нинг ҳавфли ўсмаларининг жойлашувининг анатомик соҳаси билан боғлиқ. Шундай қилиб, БПДС саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш замонавий онкологиянинг асосий вазифаси бўлиб, БПДС саратони билан оғриган беморларни даволаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

